

«ТАСДИҚЛАЙМАН»  
«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар  
Маҳкамаси Босмахонаси» давлат  
унитар корхонаси директори,  
Харид комиссиясининг раиси  
  
M.X. Курбанов  
«23» август 2022 йил

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Босмахонаси» давлат  
унитар корхонасига канцтовар маҳсулотларини етказиб берувчи  
ташкилотни аниқлаш бўйича

**“ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФНИ ТАНЛАШ”  
БЎЙИЧА ҲУЖЖАТ ТЎПЛАМИ**

Тошкент-2022 йил

## **МУНДАРИЖА**

- I Боб. Қатнашчига күрсатма
- II Боб. Танлашнинг таклиф шакллари
- III Боб. Етказиб бериладиган маҳсулотларга техник талаблар
- IV Боб. Тижорат қисми
  
- V Боб. Шартнома намунаси

# **I БОБ. ҚАТНАШЧИГА КҮРСАТМА**

## **A. Үмумий маълумот**

Танлаш предмети  
Мазкур танлаш хужжатларида ишлатиладиган тушунчалар  
Танлаш комиссиясининг вазифалари  
Техник ва тижорат таклифларини баҳолаш гуруҳининг вазифалари  
Қатнашчига танлашда қатнашиш учун кўйиладиган малака талаблари  
Танлаш доирасида хужжатларнинг махфийлигини таъминлаш

## **B. Танлаш хужжатлари**

Танлаш ҳужжатининг таркиби  
Танлаш ҳужжатларига аниқлик киритиш  
Танлаш ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш

## **C. Танлаш ҳужжатларини тайёрланиши**

Танлашда қатнашиш харажатлари  
Танлашда қўлланиладиган тил  
Танлаш таклифини ташкил қилувчи ҳужжатлар  
Муқобил таклифлар  
Танлаш таклифини расмийлаштириш ва имзолаш

## **D. Танлаш таклифининг топширилиши ва очилиши**

Танлаш таклифларини мухрлаш ва Электрон таклифларни белгилаш  
Танлаш таклифларини топширишнинг охирги муддати  
Танлаш таклифларининг очилиши

## **E. Танлаш таклифларини баҳолаш ва ғолибларни аниқлаш тартиби**

Танлаш таклифларини баҳолаш ва ғолибларни аниқлаш  
Таклифларнинг мос келмаслиги

## **F. Шартномани расмийлаштириш**

Шартномани расмийлаштириш  
Тўлов шартлари  
Шартномани имзолаш

## **A. УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР**

### **1. Танлаш предмети**

Танлаш комиссияси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни ва Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 684, 22.04.2022 й.) асосан амалга оширади.

#### **Танлашни ташкил қилишнинг асосий мақсадлари қўйидагилар:**

Танлашни ўтказиш очиқ турда бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Хўжалик фаолияти бошқармаси Хукумат уйидан фойдаланиш бошқармаси ҳаражатлар сметасида ажратилган маблағлар ҳисобидан 2022 йил август ойи давомида хизмат кўрсатувчи ташкилотни аниқлаш.

**Тўпламлар сони: 2022 йил август ойи.**

**Хизматларнинг максимал нархи: 158 093 800 сўм.**

Танлашга қўйилган товарнинг (хизматнинг, ишнинг) нархи қўшимча қиймат солиги билан (агар “Етказиб берувчи” ҚҚС тўловчиси ҳисобланса).

Танлаш хужжатларининг тижорат қисмида жойлашган талабларига биноан бажарилиши лозим.

Етказиб бериш муддати: 2022 йил охирига қадар.

### **2. Мазкур танлаш хужжатларида ишлатиладиган тушунчалар**

Бюджет маблағлари ҳисобидан 2022 йил август ойида канцтовар маҳсулотларини етказиб берувчи Танлаш ўтказищдан мақсад – мазкур Танлаш хужжатлари талаблари асосида хизмат кўрсатувчи берувчи ташкилотни аниқлаш.

Танлаш ўтказиш тартиби – бир босқичли.

**Буюртмачи** – «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси босмахонаси» давлат унитар корхонаси;

Манзили: 100000, Тошкент шахар, Чилонзор тумани, Бешёғоч кўчаси 51 уй;

Танлашни ташкил этиш ва ўтказиш учун масъул шахс – Адилов А.А

Тел.: (97) 748 47 07

### **3. Танлаш комиссиясининг вазифалари:**

-танлаш ўтказиш тартиб-қоидаларини белгилайди;

-белгиланган тартибда танлашни ўтказади;

-танлаш талабгорларига таалуқли барча хужжатларни тақдим қилиш, муддатини узайтириш тўғрисида қарор қабул қилиш;

-танлаш бўйича келиб тушган таклифларни очиш санасини белгилаш;

-таклифлар билдирилган Электрон таклифларни очади, уларнинг танлаш хужжатлари билан белгиланган талабларга (тақдим этилган хужжатларнинг тўлиқлиги, уларнинг расмийлаштирилиши ва ҳоказо) мувофиқлигини текширади;

- талабгорлар томонидан тақдим этилган таклифларини кўриб чиқишида холислик ҳамда конун хужжатлари талабларига қатъий риоя қилиш;

- зарур ҳолларда комиссия фаолиятига мутахассис ходимлар жалб этилишини назарда тутиш;

- ғолиб деб топилган талабгорлар билан шартнома имзолаш бўйича таклиф беради.

### **Танлашнинг ташкилотчиси - Ишчи гурух. Унинг вазифасига қўйидагилар киради:**

- танлаш хужжатлари ишлаб чиқилишини таъминлайди ва уларни ўрнатилган тартибда талабгорларга тақдим этади;

- танлаш ўтказилиши тўғрисида республика товар хом ашё биржасиннг xarid.uzex.uz порталаида эълон беради;

- танлаш таклифларини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилишини таъминлайди.

#### **4. Техник ва тижорат таклифларни баҳолашда танлаш комиссиясининг вазифалари:**

- танлашнинг техник таклифларини ўрганади, таҳлил қилади ва кўриб чиқади;
- энг яхши техник таклифни аниқлайди;
- катнашчиларнинг танлашга тақдим этилган молиявий хужжатларини таҳлил қилади ва кўриб чиқади;
- энг яхши танлаш таклифини аниқлайди, ғолибни аниқлайди ва қарор қабул қилади.

**Қатнашчи** - мулкчилик шаклидан қатъий назар, танлаш талабларида кўрсатилган товарларни етказиб бериш ва хизматларни кўрсатиш бўйича тажрибага эга бўлган ташкилотлар.

Қатнашчи:

- тақдим этилган маълумотлар ва хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олади;
- фақат битта таклифни тақдим этиш хуқуқига эга;
- тақдим этилган таклифни тақдим этиш муддати тугамагунча қайтариб олиш ёки ўзгартириш хуқуқига эга.

#### **5. Қатнашчига танлашда қатнашиш учун қўйиладиган малака талаблари**

Танлаш таклифларини тайёрлайди ва танлаш комиссиясига тақдим этади. Уларнинг фаолиятини ва молиявий ҳолатини баҳолаш учун зарур бўлган қўшимча ахборотни тақдим этади (Танлаш комиссиясининг сўровига кўра).

5.1. Танлаш қатнашчиларини малакали танлаши Танлаш комиссияси томонидан амалга оширилади.

Танлаш қатнашчилари қўйидаги хужжатлар ёрдамида малакали танланади:

- корхона ва ташкилотларининг кичик ёки йирик бизнес субъектларига тегишлилиги тўғрисидага маълумотнома;
- талабгор банкрот ҳолатида эмаслигини тасдиқловчи маълумотнома;
- талабгорнинг тугатилиш ёки қайта ташкил этилиш жараёнида эмаслигини тасдиқловчи маълумотнома;
- юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи гувохноманинг нусхаси;
- тегишли ваколатли орган томонидан берилган танлаш талабларини амалга ошириш хуқуқини берувчи лицензиянинг нусхаси;
- давлат солик инспекцияси ва талабгор ўртасида бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар олдиаги мажбуриятлар бўйича қарзи йўклиги тўғрисида маълумотнома;
- Етказиб берувчи банк томонидан талабгорнинг ҳисоб рақамларида картотека (К-2) бўйича қарзи йўклиги тўғрисида маълумотнома асли.

Давлат ташкилотлари томонидан саралаш босқичига тақдим этиш учун берилган ҳар бир маълумотномада талабгорнинг СТИРи кўрсатилган бўлиши ва танлаш эълон қилингандан сўнг олинган бўлиши шарт.

5.2. Малакали танлашдан ўтган қатнашчи танлаш комиссиясига (мухрланган) ва ички муҳрланган Электрон таклифни **йўлланма хат** билан тақдим қилган бўлишлари керак. Электрон таклифда талабгор номи, манзили ва Танлаш комиссияси манзили, номи ҳамда иштирок этаётган лот рақами кўрсатилган бўлиб, қуйидаги хужжатлар бўлиши лозим:

- қатнашчининг ташкилий шакли (1-шакл);
- қатнашчи тўғрисида умумий маълумот (2-шакл);
- қатнашчининг тажрибалари тўғрисида маълумот (3-шакл);
- молиявий аҳволи (4-шакл);
- хизматларни кўрсатиш учун моддий ресурсларнинг мавжудлиги (5-шакл);
- таклиф қилинаётган хизмат тури бўйича аввал фаолият юритган ёки фаолият юритаётган давлат юқори турувчи ташкилотлар билан тузилган шартномалар ҳақида маълумот (6-шакл);

5.3. Қатнашчи танлаш таклифларини тайёрлаш ва тақдим этиш давомида сарфланган барча молиявий ҳаражатларни ўз хисобидан қоплади.

5.4. Танлашда ғолиб чиқсан тақдирда буюртмачи билан шартнома тузади.

**Танлаш ғолиби** – таклифларни баҳолаш якунлари бўйича танлашда энг кўп балл тўплаган танлаш қатнашчиси.

**Захирадаги қатнашчи** – танлаш ғолибидан кейинги ўринда турган кўп балл тўплаган қатнашчи.

5.5. Танлашга қўйидаги қатнашчилар қўйилмайди:

- шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурслари мавжуд бўлмаган;

- шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуқقا эга бўлмаган;

- тугатиш ёки банқротлик босқичида бўлган;

- фаолияти суд ёки ҳакамлик судида муҳокамада кўриб чиқилаётган;

- инсофсиз ижрочиларнинг ягона рўйхатида бўлган;

- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бюджет ва бюджетдан ташқари фонdlар олдида қарздорлиги мавжуд бўлган;

- имтиёзли солиқ режимини таъминлайдиган ва/ёки молиявий операцияларни (оффшор зоналар) амалга оширишда маълумотни ошкор қилиш ва тақдим этишни назарда тутмайдиган ҳудудларда рўйхатдан ўтган ва банк ҳисоб рақамларига эга бўлган;

- аввал имзоланган шартномалар бўйича келишилган мажбуриятларни ўз муддатида бажармаган;

- тегишли тижорат ва молиявий кўрсаткичлар бўйича Комиссия талабларига жавоб бермаганда, улар тўғрисида тегишли қарор қабул қилинади.

Буюртмачи қўйидаги ҳолларда иштирокчини харид тартиб-таомилларида қатнашишдан четлаштиради, агар:

- иштирокчи бевосита ёки билвосита мижознинг ҳар қандай амалдаги ёки собиқ мансабдор шахсини ёки ходимини ёки бошқа давлат органининг ҳар қандай шаклда маблағ, иш таклифини ёки бошқа ҳар қандай қимматбаҳо буюмларни ёки хизматларни таклиф қилиши, бериши ёки беришга рози бўлганлиги - ёки харидорнинг давлат харидлари жараёнида ҳаракатлари юзасидан қарор қабул қилиши ёки ҳар қандай рақобат тартибини қўллаши;

- иштирокчи қонунга хилоф равишида адолатсиз рақобат устунлиги ёки манфаатлар тўқнашувига эга бўлса.

## **6. Танлаш доирасида ҳужжатларнинг махфийлигини таъминлаш**

6.1. Тушган таклифларнинг кўриб чиқилиши, уларнинг танлаш комиссияси аъзолари томонидан баҳоланиши тўғрисидаги ахборот махфий ҳисобланади ҳамда танлаш тартиб-қоидасига расман алоқадор бўлмаган шахсларга маълум қилинмайди. Танлаш комиссияси аъзолари мазкур ахборот ошкор қилинганлиги учун конун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

## **Б. ТАНЛАШ ҲУЖЖАТЛАРИ**

### **7. Танлаш ҳужжатининг таркиби**

7.1. Танлаш қатнашчиси унга берилган танлаш ҳужжатини ва шу билан бирга барча кўрсатмалар, шакллар, шартлар ва техник тафсилотларни тўлиқ ўрганиб чиқиши шарт.

7.2. Танлаш ҳужжатларида кўрсатиб ўтилган барча талаб қилинган маълумотларни бермаслик ёки таклифнинг танлаш ҳужжатлари талабларига тўлиқ тўғри келмаслиги, таклифнинг қабул қилинмаслигига олиб келади.

### **8. Танлаш ҳужжатларига аниқлик киритиши**

8.1. Хужжатларни тақдим этиш муддати тамом бўлгунга қадар Қатнашчи танлаш хужжатларига қандайдир аниқлик киритиш учун танлаш комиссиясига ёзма равишида мурожаат қилишлари мумкин:

8.2. Танлаш комиссияси талабгорнинг сўровига кўра Танлаш таклифларини тақдим этишнинг сўнгти муддатидан камида 3 кун олдин сўров манбасини кўрсатмаган ҳолда танлашнинг барча қатнашчиларига мажбурий тартибда жавоб юбориб, танлаш хужжатларининг моҳияти ёки мазмуни билан боғлиқ саволга ёзма жавоб бериши шарт.

### **9. Танлаш хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш**

9.1. Таклифларни тақдим этиш муддати тамом бўлгунга қадар камида 3 кун олдин танлаш комиссиясининг комиссия қарорига мувофиқ талабгорларга маълум қилиб, таклифга тузатиш киритиш учун етарли бўлган вақт берган ҳолда, унинг муддатини узайтириб, танлаш хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга ҳақлидир.

## **В. ТАНЛАШ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАНИШИ**

### **10. Танлашда қатнашиш харажатлари**

10.1. Танлашда иштирок этиш ва танлаш хужжатини тайёрлаш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар қатнашчининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

10.2. Танлаш таклифи миллий валюта - сўмда тўланиши лозим.

### **11. Танлашда қўлланиладиган тил**

11.1. Қатнашчилар томонидан берилаётган таклифлар, Буюртмачи ва катнашчи ўртасидаги хатлар ва барча тегишли хужжатлар ўзбек тилида тайёрланади.

### **12. Танлаш таклифини ташкил қилувчи хужжатлар**

12.1. Танлаш таклифлари бир асл нусхадан, факат муҳрланган Электрон таклифда бўлиши лозим. Танлаш комиссияси номини ва манзили кўрсатилган Электрон таклифда **5.2-бандда** келтирилган хужжатлар, йўлланма хат билан биргаликда қабул қилинади.

Электрон таклифнинг юза қисмида иштирокчининг номи, боғланиш учун телефон рақамлари, юридик манзили ва танлаш номи ва лоти кўрсатилади.

Электрон таклифда – маҳсулотни етказиб бериш жадвали, танлаш таклифлари кўрсатилади.

12.2. Танлаш комиссияси лозим бўлганда Танлаш қатнашчиларидан тақдим этилган Танлаш таклифларини тасдиқлаш учун қўшимча ёки бошқа маълумотларни талаб қилиши мумкин.

### **13. Таклиф шакли ва шакллар бўйича тушунтириш**

13.1. Қатнашчи танлаш таклиfinи қатъий равишида мазкур танлаш хужжатининг II бобидаги шакллар асосида тақдим этиши лозим.

13.2. Танлаш таклифи шаклларидаги барча бўш графалар танлаш хужжатлари талаблари асосида тўлдирилиши зарур.

### **14. Муқобил таклифлари**

14.1. Паст техник (функционал) кўрсаткичларга эга бўлган маҳсулот (хизмат) кўринишида берилган танлаш таклифлари кўриб чиқилмайди.

### **15. Танлаш таклифларини расмийлаштириш ва имзолаш**

15.1. Танлашда иштирок этиш учун қатнашчи танлаш хужжатларини имзолаш ваколати бор бўлган ўзининг вакилини тайинлаши мумкин. Вакил томонидан имзолаш учун қатнашчи ўз вакилига тегишли ишонч хати бериши лозим, ишонч хати ташкилотнинг ваколатга эга шахси томонидан имзоланган ва муҳрланган бўлиши керак.

Танлаш иштирокчиларининг таклифлари, рақамланган, муҳр қўйилган ва иштирокчининг

ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган ёки таклифларнинг ҳар бир варағи имзоланган ҳолда тақдим этиш тавсия этилади.

15.2. Берилган таклифларда ёзув қаторлари орасига қўшиб ёзиш учун жой ташланиши ёки ўчириш ҳолатлари мавжуд бўлса, бу таклиф ўз кучини йўқотади ва рад этилади.

15.3. Танлаш қатнашчисининг имзоланмаган, электрон таклифлари кўриб чиқилмайди ва Танлаш комиссияси томонидан рад этилади.

## **Г. ТАНЛАШ ТАКЛИФИННИГ ТОПШИРИЛИШИ ВА ОЧИЛИШИ**

### **16. Танлаш таклифларини муҳрлаш ва Электрон таклифларни белгилаш**

16.1. Танлаш қатнашчиси танлаш таклифларини мазкур танлаш хужжатлари талабларига қатъий риоя қилган ҳолда муҳрлаши керак.

16.2. Қатнашчининг танлаш таклифи, танлаш очилган кундан бошлаб 30 (ўттиз) кун мобайнида ўз кучини сақлаши лозим.

16.3. Айrim ҳолларда танлаш комиссияси танлаш қатнашчисидан таклифнинг амалда бўлиш муддатини узайтиришни сўраши мумкин. Бу сўров ва жавоб хат (телеграмма) кўринишида расмийлаштирилади.

### **17. Танлаш таклифларини топширишнинг охирги муддати**

17.1. Қатнашчиларнинг танлаш таклифлари xarid.uzex.uz электрон савдо платформасида эълон берилган кундан бошлаб 5 календарь кундан кечикмасдан танлаш комиссиясига топширилади (**шанба, якшанба дам олиш куни этиб белгиланади**).

17.2. Танлаш таклифларини топширишнинг охирги муддати ҳеч қандай шароитда кўчирилмайди (9.1-бандида эслатилган тасодифий ҳолатлардан ташқари).

17.3. Танлаш таклифларини топширишнинг охирги муддатига 1 кун қолгунга қадар танлаш қатнашчиси ўз таклифларини қайтариб олиши ёки таклифга ўзгартириш киритиши мумкин.

17.4. Танлаш қатнашчиси томонидан танлаш хужжатларида талаб этилган маълумотлар тўлиқ тақдим этилмаслиги ёки мазкур танлаш хужжатлари талабларига жавоб бермайдиган таклифлар (Электрон таклифларнинг ёпиштирилмасдан берилиши, шаклларнинг нотўғри тўлдирилиши, талаб қилинган хужжатларни тақдим этмаслик ва ҳ.к) кўриб чиқилмайди ва рад этилади.

### **18. Танлаш таклифларининг очилиши**

18.1. Танлаш таклифлари беришнинг белгиланган муддати тамом бўлгач белгиланган кундан 5 кундан кўп бўлмаган муддатда танлаш комиссияси танлаш таклифлари берилган Электрон таклифни очади.

Таклифлар билдирилган Электрон таклифлар, қатнашчилар ёки уларнинг тўлақонли вакиллари иштирокида кўриб чиқилади. Қатнашчилар вакиллари қатнашмаганлиги Электрон таклифнинг очилмаслигига ёки мазкур жараённинг қайта ўтказилишига асос бўла олмайди.

18.2. Электрон таклиф очилгандан кейин танлаш қатнашчилари танлаш комиссияси томонидан эътироф этилган ташкилотлар санаб ўтилади, танлаш хужжатларининг талабларга мослиги ва шартларнинг тўлақонли бажарилиши текширилади.

18.3. Хужжатлар пакетида танлаш хужжатларида қўйиладиган талаблар бузилганлиги аниқланган тақдирда, хужжатлар уларнинг мазмуни эълон қилинмасдан қатнашчига қайтарилади.

18.4. Танлаш комиссияси мажлисининг натижалари баённома билан расмийлаштирилади. Баённомада танлаш қатнашчилари томонидан эътироф этилган ташкилотлар санаб ўтилади. Шакл бўйича тақдим этилмаган ва танлашга қўйилмаган таклифлар, баённомада улар рад этилишининг сабаблари кўрсатилган ҳолда алоҳида санаб ўтилади.

18.5. Танлаш таклифлари билдирилган Электрон таклифларни очиш ва ғолибни аниқлаш тўғрисидаги баённома оммавий ахборот воситаларида эълон қилинмайди.

## **Д. ТАНЛАШ ТАКЛИФЛАРИНИ БАҲОЛАШ ВА ҒОЛИБЛАРНИ АНИҚЛАШ**

## **ТАРТИБИ**

### **19. Танлаш таклифларини баҳолаш ва ғолибларни аниқлаш**

19.1. Танлаш комиссияси танлаш таклифларини техник, ташкилий-молиявий ва тижорат жиҳатдан баҳолаш танлаш комиссияси аъзолари томонидан амалга оширилади.

19.2. Танлаш таклифларини баҳолаш икки босқичдан иборат:

- техник, ташкилий-молиявий;
- тижорат.

19.2.1. Танлаш таклифларини баҳолаш вақтида Танлаш комиссияси танлаш қатнашчисидан унинг танлаш таклифлари борасида тушунтиришлар беришини сўраши мумкин.

19.2.2. Қатнашчиларнинг тижорат таклифларини барча учун тенг шартлар асосида ўтказиш мақсадида уларнинг танлаш таклифларини баҳолашда, сифатли маҳсулот етказиб беришдан (хизмат кўрсатишдан, иш бажаришдан) иборат бўлган танлаш таклифлари бўйича қонунчилик асосида қўшимча қўшилган қиймат солиги тўловчилари томонидан солик суммаси киритиб ҳисоб қилинади.

19.3. Баҳолар 1- 2 ва 3-жадвалларга асосланган ҳолдаги 4-жадвал умумлаштирувчи, яъни 200 баллик шкала бўйича қўйилади.

19.4. Танлаш таклифларини уларнинг техник амалга ошувчанлигига нисбатан баҳолаш Танлаш таклифларини техник ва ташкилий-молиявий баҳолаш мезонларга асосан амалга оширилади (1-жадвал).

19.5. 1, 2, 3, 4, 6, 7-шакллардан ёки 5.2 бандда кўрсатилган ҳужжатлардан бирортаси мавжуд бўлмаса Электрон тақлиф очилмасдан қайтарилади.

19.6. Танлаш ҳужжатининг 5-шакли мавжуд бўлмаса, баҳоси нолга тенг деб топилади.

19.7. Танлаш қатнашчиларининг таклифларини молиявий баҳолаш, тижорат таклифларни баҳолаш мезони асосида аниқланади (3-жадвал).

19.8. Танлаш таклифларини қараб чиқиши муддати 5 кундан ошмайди.

19.9. Энг кўп балл тўплаган қатнашчи ғолиб деб ҳисобланади.

19.10. Танлаш ҳужжатларининг тегишли шакллардан бири мавжуд бўлмаса, тақлиф баҳоланмайди.

19.11. Якун чиқариш ва танлашнинг ғолиби тўғрисидаги қарор танлаш комиссияси томонидан қабул қилинади. Ғолибни танлашда Танлаш комиссияси аъзоларининг якка тартибдаги хulosасига асосланилади. Қарор танлаш комиссияси аъзолари умумий сонининг оддий, кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда, Танлаш комиссияси раисининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

19.12. Танлаш комиссияси танлаш ҳужжатлари шартларига мос келмайдиган ҳар қандай танлаш таклифларини қабул қилиш ёки рад этиш ҳуқуқини ўзида олиб қолади.

19.13. Танлаш комиссиясининг сўровларига жавоб бера олмайдиган қатнашчилар томонидан тақдим этилган (берилган) ҳар қандай тушунтиришлар кўриб чиқилмайди.

19.14. Танлаш комиссиясининг якуний баённомасида ғолиб ва заҳирадаги қатнашчилар, танлаш комиссияси хulosаси, қатнашчиларнинг танлаш таклифлари йиғма жадвали ва ғолиб билан шартнома имзолашнинг мўлжалланаётган муддатлари тўғрисидаги ахборот мавжуд бўлади.

Баённома йиғилишда иштирок этган аъзолар томонидан имзоланиши ва танлаш комиссияси раиси томонидан тасдиқланиши керак.

19.15. Танлаш ташкилотчиси танлаш ғолибига танлаш якунлангандан кейин уч кундан кечикмай ёзма билдиришнома юборади ва якунларини Республика товар-хом ашё биржасининг [www.etender.uzex.uz](http://www.etender.uzex.uz) маҳсус порталида эълон қиласи.

### **20. Тақлифларнинг мос келмаслиги**

20.1. Танлаш ҳужжатларини текшириш чоғида аниқланган арифметик хатолар мавжуд бўлган тақдирда танлаш комиссияси:

қатнашчига танлаш тақлифига тузатиш киритиш имкониятини бериши;

20.2. Танлашда иштирок этиш учун қатнашчи ҳуқуки бошқа юридик шахсга ўтказилишига йўл қўйилмайди.

20.3. Танлаш қўйидаги ҳолларда бўлиб ўтмаган деб эълон қилинади:

тегишли лот бўйича танлаш таклифларини тақдим этишнинг энг охирги муддатигача таклиф тушмаса ёки фақат битта таклиф тушса;

барча танлаш таклифлари танлаш ҳужжатларига қўйиладиган талабларга мувофиқ бўлмаса;

барча танлаш таклифларида танлаш ҳужжатлари шартлари билан талаб қилинадиган ҳужжатлар мавжуд бўлмаса;

20.4 Танлашнинг бўлиб ўтмаган, деб эълон қилиниши танлаш қатнашчиларидан бирон-бирининг мулкий ёки бошқа жавобгарлигига олиб келмайди.

**1-жадвал**

**Қатнашчининг техник ва ташкилий-молиявий таклифини  
баҳолаш мезонлари**

<b>№</b>	<b>Баҳолаш параметрларининг номланиши</b>	<b>Балл</b>
<b>I. Кўрсатиладиган хизматлар баҳолаш</b>		
1.	Кўрсатиладиган хизматларнинг сифати бўйича баҳолаш.(ҳар бир кўринишдаги маҳсулотлар учун 6 баллгача)	36 баллгача
2.	Талаб этилган шаклларнинг тўлиқ топширганлиги (ҳар бир шаклга 1 баллдан берилади).	6 баллгача
3.	5-бандда талаб этилган хужжатлар топширилиши (ҳар бирiga 1,5 баллдан)	8 баллгача
4.	3-шаклда юқорида кўрсатилган хизматлар юзасидан амалга оширилган ўхшаш шартномалар сони ва сифати бўйича бериладиган балл. (камида 6 дона шартномага 4 баллдан)	24 баллгача

**Изоҳ:** Танлаш катнашчиларининг баллари техник ва ташкилий-молиявий баҳолаш таклифлари жадвалига киритилади (2-жадвал).

**Танлаш қатнашчиларининг техник ва ташкилий-молиявий таклифларини бахолаш жадвали**

№	Қатнашчиларнинг номланиши	I	II	III	IV	V	VI	Умумий балл
		Макс. балл						
1								
2								
3								
4								

## **1. Танлаш** **Е. ШАРТНОМАНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ**

### **21. Шартномани расмийлаштириши**

21.1. Буюртмачи ва танлаш ғолиблари ўртасидаги шартнома танлаш ғолиблари тўғрисида республика товар-хом ашё биржасининг xarid.uzex.uz маҳсус порталида эълон қилинган кундан бошлаб уч кун муддат ичида тузилади.

21.2. Агар Танлаш ғолиби шартнома тузишни рад этса ёки белгиланган муддатда шартномани бажариш учун кафолат бермаса, у ҳолда Буюртмачи танлаш комиссияси карорига мувофиқ кейинги энг кўп баллга эга бўлган захирадаги қатнашчини танлаш ғолиби деб эътироф этиши ёки такрорий танлаш ўтказишни тайинлаши мумкин.

### **22. Шартномани имзолаш**

22.1. Ғолиб қатнашчи З (уч) кун муддат ичида Буюртмачи билан шартнома имзолаши шарт.

22.2. Ғолиб деб топилган қатнашчи шартномани бажариш кафолатини муддатда бера олмаса кейинги энг кўп балл тўплаган захирадаги қатнашчи билан шартнома имзоланади.

23.3. Танлаш ғолиби миқдор, сифат ҳамда техник кўрсаткичлари бўйича шартнома талабарини бажармаса қонун доирасида (ёки шартнома талабларига асосан) жавобгарликка тортилади.

## **II БОБ. Танлаш тақлиф шакллари**

№ \_\_\_\_-лот

**Танлаш қатнашчисининг ташкилий тузилмаси**

Танлаш қатнашчисининг ташкиллаштириш бўйича ишлаб чиқариш тузилмасини тақдим этинг: майдони, товар етказиб бериш (хизмат кўрсатиш, иш бажариш) бўйича ташкилий тузилмаси, манзили ва мулкчилик шакли (хусусий ёки ижарага олинган) кўрсатилган ҳолда.

ИЛОВАЛАРНИНГ БАРЧА БЕТЛАРИ ТОПШИРИЛАЁТГАНДА ТАНЛАШ САВДОСИ  
ҚАТНАШЧИЛАРИ ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНГАН ВА МУҲРЛАНГАН БЎЛИШИ ШАРТ.

№ \_\_\_\_\_ -лот

**(Қатнашчининг фирма бланкасида)**

№ \_\_\_\_\_ сана

**Қатнашчи тўғрисида умумий маълумот шакли**

Танлаш савдолари иштирокчисининг номи: \_\_\_\_\_

Манзили ва телефон рақами: \_\_\_\_\_

Факс: \_\_\_\_\_

Юридик мақоми: \_\_\_\_\_

Ташкил этилган жойи ва санаси: \_\_\_\_\_

Фаолият турлари бўйича ихтисослашуви: \_\_\_\_\_

Офиси жойлашган жойи ва Ўзбекистондаги филиаллари: \_\_\_\_\_

Доимий ва вақтингачалик ишловчи ходимлари умумий сони, жумладан:

Доимий ишловчи ходимлар (жами): \_\_\_\_\_

Вақтингачалик ишловчи ходимлар (жами): \_\_\_\_\_

Камида 5 йиллик иш тажрибасига эга бўлган ходимлар сони, жумладан:

Доимий ишловчи ходимлар: \_\_\_\_\_

Вақтингачалик ишловчи ходимлар: \_\_\_\_\_

Танлаш қатнашчиси корхонасининг ташкилий тузилмаси, жумладан:

- корхонанинг ташкилий тузилмаси [филиаллари, худудий бўлинмалари, ишлаб чиқариш майдонлари ва бошқа шахобчалари]

- ишлаб чиқариш жойлари мавжудлиги (жами  $m^2$ ) [хусусий ёки ижара];
- омборхона жойлари мавжудлиги (жами  $m^2$ ) [хусусий ёки ижара];
- ишлаб чиқариш ускуналари

№	Техникаси номи	Сони	Ишлаб чиқарилган санаси	Сотиб олинган сана
---	----------------	------	-------------------------	--------------------

Қатнашчи номи: **[Қатнашчининг тўлиқ номини кўрсатинг]**

Таклифга имзо чекувчи лавозими: **[Таклифга имзо қўйган шахснинг лавозимини кўрсатинг]**

Имзо: **[Юқорида номи ва лавозими кўрсатилган шахс имзосини қўйинг]**

Ушбу таклиф **[Қатнашчининг тўлиқ номини кўрсатинг]** кўрсатмаси ва номидан тегишли ваколат билан имзоланди.

Сана: **[таклифга имзо қўйилган санани кўрсатинг]**

**ИЛОВАЛАРНИНГ БАРЧА БЕТЛАРИ ТОПШИРИЛАЁТГАНДА ТАНЛАШ САВДОСИ  
ҚАТНАШЧИЛАРИ ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНГАН ВА МУХРЛАНГАН БЎЛИШИ ШАРТ.**

№ \_\_\_\_\_-лот

**Қатнашчининг тажрибалари тўғрисида маълумот**

Танлашга қўйилган маҳсулотларга (хизматларга, ишларга) ўхшаш маҳсулотларни (хизматларни, ишларни) охирги 3 йил давомида ишлаб чиқариши (хизмат кўрсатиш, ишларни бажариш) тўғрисида маълумот

(минг. сўм)

№	Маҳсулот (хизмат) номи	Шартнома суммаси	Маҳсулот (хизмат) тури	Буюртмачи
1.				
2.				

Иштирокчи номи: [Қатнашчининг тўлиқ номини кўрсатинг]

Таклифга имзо чекувчи лавозими: [Таклифга имзо қўйган шахснинг лавозимини кўрсатинг]

Имзо: [Юкорида номи ва лавозими кўрсатилган шахс имзосини қўйинг]

Ушбу таклиф [Қатнашчининг тўлиқ номини кўрсатинг] кўрсатмаси ва номидан тегишли ваколат билан имзоланди.

Сана: [таклифга имзо қўйилган санани кўрсатинг]

ИЛОВАЛАРНИНГ БАРЧА БЕТЛАРИ ТОПШИРИЛАЁТГАНДА ТАНЛАШ САВДОСИ ҚАТНАШЧИЛАРИ ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНГАН ВА МУХРЛАНГАН БЎЛИШИ ШАРТ.

№ -ЛОТ

## **Танлаш қатнашчисининг молиявий аҳволи**

(сүнгі 3 йиллик бухгалтерлик балансини нұсхаси 1- ва 2-шакл)

## Танлаш қатнашчисининг номи:

(минг. сўмда)

АКТИВ			ПАССИВ		
Узок муддатли активлар			Умумий воситалар захираси		
Асосий воситалар			Низом капитали		
Ишлаб чиқариш фондлари шунинг ичida			Бўлинмаган кирим		
Колдик нарх			Мажбуриятлар		
Капитал маблағлари			Қарзлар		
Тугалланмаган ишлаб-чиқариш			Кредитор карздорлик		
Шу кундаги активлар			Вакти тугалланган карздорлик		
Айланма маблағлар			Бюджет маблағлари хисобидан карздорлик		
Шулардан ишлаб чиқариш захираси			Иш ҳаки тўлови бўйича қарздорлик.		
Дебитор карздорлиги					
Вакти тугалланган карздорлик			Умумий пассив баланс бўйича		
Умумий баланс бўйича					

## МОЛИЯВИЙ НАТИЖА (минг. сўмда)

ПОСИЛВАНТИКИЛДАГАМ (мини. үмдә)			
Номланиши			Номланиши
1. Ишлаб чикарилган товарлар бўйича фойда			8. Соф фойда
2. Ишлаб чикарилган молларнинг соф фойдаси			Асосий фаолиятидан фойда
3. Ишлаб чикарилган молларнинг таннархи			Умум хўжалик фаолиятидан
4. Мамурий харажатлар			9. Асосий фаолият даромади
5. Бошқа сарф-харажатлар			10. Умум хўжалик фаолият даромади
6. Солик солинмаган холдаги фойда			11. Чиким Асосий фаолиятдаги чиким
7. Даромад солиги			Умум хўжалик фаолиятидаги чиким
Баланс		бўйича	фойда

З үйл ичида солиқ тұламаслиги ёки банкротлик масалалари бүйіча судланмаганлығы  
Рахбар Баш хисобчи

Сана: « » 20 й.

Санкт-Петербург, \_\_\_\_\_ 20 \_\_\_ и.

M.II.

**Изоҳ:** Ишчи орган танлашга кўйиладиган ўхшаш маҳсулотларни етказиб бериш (хизматларни кўрсатиш, ишларни бажариш) тўғрисида маълумотларни сўраганда, улар маълумот учун қабул қилинади ва баҳоланмайди.

ИЛОВАЛАРНИНГ БАРЧА БЕТЛАРИ ТОПШИРИЛАЁТГАНДА ТАНЛАШ САВДОСИ ҚАТНАШЧИЛАРИ ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНГАН ВА МУҲРЛАНГАН БЎЛИШИ ШАРТ.

№ \_\_\_\_\_-лот

**Таклиф қилинаётган хизматларни кўрсатиш (ишиларни бажариш) учун моддий ресурсларнинг мавжудлиги ҳақида маълумот**

Танлаш қатнашчисининг номи:

Жойлашган жой:

Омборхонанинг жойлашган жойи:

т/р	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Сони
1.			
2.			
3.			
4.			
5.			
6.			

Изоҳ:

Қатнашчи номи: [Қатнашчининг тўлиқ номини кўрсатинг]

Таклифга имзо чекувчининг лавозими: [Таклифга имзо қўйган шахснинг лавозимини кўрсатинг]

Имзо: [Юкорида номи ва лавозими кўрсатилган шахс имзосини қўйинг]

Ушбу таклиф [Қатнашчининг тўлиқ номини кўрсатинг] кўрсатмаси ва номидан тегишли ваколат билан имзоланди.

Сана: [таклифга имзо қўйилган санани кўрсатинг]

№ \_\_\_\_\_ -ЛОТ

### **Маҳсулотни етказиб бериш, хизмат кўрсатиш**

Маҳсулотларни етказиб бериш, хизмат кўрсатиш Харидор ва Маҳсулот етказиб берувчи ўртасидаги шартнома имзолангандан кейин бошланиши зарур.

Етказиб бериш (бажариш) муддатидан кечикиб етказиб берилган ва сифатсиз маҳсулот (кўрсатилган хизматлар) етказилган тақдирда қабул қилинмайди ва улар учун тўловлар амалга оширилмайди.

т/р	Маҳсулот (хизмат) номи	Етказиб бериш муддати (давом этиши)	Манзил	Маҳсулотларни етказиб бериш, хизмат кўрсатиш охирги муддати

**III БОБ. ЕТКАЗИБ БЕРИЛАДИГАН МАҲСУЛОТЛАРГА ВА  
КҮРСАТИЛАДИГАН ХИЗАТЛАРГА  
ТЕХНИК ТАЛАБЛАР**

## **1. Умумий маълумотлар**

**1.1. Хизматларнинг тўлиқ номи: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси босмахонаси» давлат унитар корхонасига канцтовар маҳсулотларини етказиб бериш**

Етказиб бериладиган кўрсатиладиган хизматларни бир ой давомидаги миқдори 1-жадвалда келтирилган.

**1.2. Буюртмачи: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси босмахонаси» давлат унитар корхонаси**

**1.3. Етказиб берувчи: Буюртмачи томонидан ўтказилган танлаш натижаларига кўра етказиб берувчи (хизмат кўрсатувчи) аниқланади.**

**1.4. Хизмат кўрсатиш муддати: 2022 йил шартнома имзоланган вақтдан бошлаб 1 ой.**

**1.5. Молиялаштириш манбалари: ташкилот маблағлари ҳисобидан.**

**1.6. Хизматларини таклиф этаётган барча хўжалик юрутувчи субъектлар**

1-иловада келтирилган хизматлар учун қайси маркадаги Канцтовар маҳсулотларини етказиб берувчи тўғрисида тўлиқ (номи, миқдори, ишлаб чиқарувчи ва ишлаб чиқарилган давлати) маълумот тақдим этилиши лозим. Сифатли хизмат кўрсатувчи берувчи ташкилотлар тижорат таклифлари ютиш имконияти юқори бўлади.

## **IV БОБ. ТИЖОРАТ ҚИСМИ**

**Күрсатылған хизматтар  
рўйхати**

<b>T/p</b>	<b>Махсулотлар(хизмат) номи</b>	<b>Сони</b>	<b>Маркаси</b>	<b>Ишлаб чиқарилған давлати</b>
1	Картон 1,75мм калинлиқда. Формати 92x105 - 1370 лист	лист		
2	көзөзі A4 формат	пачка		
3	Клей ПВА люкс премиум	кг		
4	"Коленкор" муковалаш материали	п.м		
5	Мукова пленкаси 250 микрон	пачка		
6	Мукова пружинаси	дона		

## **Тижорат таклифлари баҳоси ва уни белгилаш тартиби**

1.1. Маҳсулот (хизмат, иш) баҳоси (таклиф)га жумладан танлаш, соликлар, бюджет ва нобюджет жамгармаларга мажбурий тўловлар бўйича харажатлар кўшилиши лозим.

1.2. Иштирокчи томонидан ўрнатилган баҳолар етказиб беришни (хизмат кўрсатишни, иш бажаришни) тўлиқ амалга ошириш даврига белгиланиб, ўзгартирилиши мумкин эмас.

1.3. Қайси боскичда бўлмасин, баҳони кўтаришга йўналтирилган танлаш таклифлари танлаш савдолари талабларига жавоб бермайдиган ҳисобланиб, танлаш комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

### **2. Танлаш валютаси**

2.1. Танлаш таклифлари Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси сўмда тақдим этилади.

### **3. Кўрсатиладиган хизматлар шартлари ва муддати**

3.1. Кўрсатиладиган хизматлар муддати 1 ой деб белгиланади.

3.2. Олдиндан тўлов амалга оширилган кундан бошланади ва 1 ой давом этади.

### **4. Молиялаштириш шартлари ва жадвали**

4.1 Аввалдан тўлов Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида шартномада назарда тутилган бир ойлик қийматининг 30 %, колган кисми хар ойлик хақиқатда кўрсатилган хизматлар қийматидан келиб чиқиб тўланади.

### **5. Шартномани молиялаштириш манбай**

5.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ҳўжалик фаолияти бошқармаси босмахонаси ДУК маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Маҳсулотни етказиб бериш (хизмат кўрсатиш, иш бажариш) бўйича тузилган Шартнома қонунчилик хужжатлари – Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, «Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятинининг шартномавий – хуқукий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мос бўлиши лозим.